

Ромитан туман

“30” март 2022 йил

“MELNIK GOLD” МСНЖ кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи **Н.Хамроев**. номидан, бир томондан ва **Ромитан туман ҳокимлиги** кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбар **А.Очилов** номидан иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчо в бирл иги	Сон и	Нархи	Етказиб бериш киймати	ҚҚС 15%	Баҳоси ҚҚС билан
1	Стол кухонный металлический из нержавеющей стали (Стол касса (1100*700*900) из нержавеющей)	Шт	1	3 912 173.91	3 912 173.91	586 826.09	4 499 000
2	Стол кухонный металлический из нержавеющей стали (Мойка односекционная нержавейка (1100*700*850))	Шт	1	2 103 478.26	2 103 478.26	315 521 .74	2 419 000
3	Стол кухонный металлический из нержавеющей стали (Мойка двухсекционная нержавейка (1100*700*850))	Шт	1	2 799 130 .43	2 799 130 .43	419 869.57	3 219 000
4	Набор кухонной мебели (Стол и стул (1300*900*750) из нержавеющей)	Комп	10	2 964 347.83	29 643 478.26	4 446 521.74	34 090 000
5	Стол кухонный металлический из нержавеющей стали (Стол (1600*700*850) из нержавеющей)	Шт	3	3 929 565.22	11 788 695.65	1 768 304.35	13 557 000
6	Стол кухонный металлический из нержавеющей стали (Стол мармит (1100*700*860) из нержавеющей)	Шт	2	8 155 652.17	16 311 304.35	2 446 695.65	18 758 000
7	Стол кухонный металлический из нержавеющей стали (Стол (1100*700*850) из нержавеющей)	Шт	1	2 733 043.48	2 733 043.48	409 956.52	3 143 000
8	Стол кухонный металлический из нержавеющей стали (Стол прибор для хлеб (600*700*860) из нержавеющей)	Шт	1	3 955 652.17	3 955 652.17	593 347.83	4 499 000
	Жами	Х	Х	Х	73 246 956.52	10 987 043.48	84 234 000

2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: « 31 » март 2022 йилгача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 59 945 000 сум (Эллик туккиз миллион туккиз юз қирк беш минг сум)ташқил этади.
- 2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 30 % фоизини 25 270 200 (Йигирма беш миллион икки юз етмиш минг икки юз сум)ни ташқил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022йилнинг март ойида амалга оширилади. Якуний туловнинг миқдори эса, келишилган сумманинг 70% фоизини 58 963 800 сум (Эллик саккиз миллион туккиз юз олти минг уч минг саккиз юз сум)ни ташқил этади ва бу якуний тулов ҳисоб варақа тақдим қилинган сунг 2022йилнинг март ойининг “31” санасигача амалга оширилади.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузилган шартномаларида, қандайдир қура, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган.
- 2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:
 - 3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
 - 3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
 - 3.1.3. Сотувчи тўпламда ярқис, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади. 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Кабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардоғ қилади.

3.2.3. Шартнома да белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган қунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорда неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорда жарима тўлайди:

5.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорда жарима тўлайди: _____

5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган қунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорда, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил 30 март дан 2022 йил «31» декабргача амалда булади.

6.2. Мазкур шартнома 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси «Бюджет кодекси»нинг 122-моддиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган «Бюджет тизими бюджетларининг Газна ижросикоидалари» 2016 йил 22 декабрдаги 2850-сонли руйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга 6.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади. 6.4. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:- томонларнинг келишувига мувофиқ;- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.- Форс-Мажор ҳолатларида

7. ШАРТНОМАНИ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. 2014 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 122- моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594- сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар , хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари , шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначиликда руйхатга олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарга тутилган .

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибда хал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида хал қилинади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритилмаган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

«MELNIK GOLD» MCHJ

Манзили: Ромитан тумани

Тел : +99 897 300 09 37

х/р 20208000600775421001

Банк Бухарский филиал АКБ "Hamkorbank"

ИФО 00950 ИНН 304905903

ОКОНХ 15271

Рақбар:

Н.Хамроев

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

Ромитан туман хокимлиги

манзили; Ромитан шаҳри, Бухоро кўчаси 3-уй

Газначилик н :Ромитан Газначилик булимаси

Газна х/р 23402000300100001010

МБ ХККМ Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб-касса маркази

ИФО 00014 ИНН 200 978 534

Тел: 65-552-12-06

Ш/х/в 100022860062427011204018005

Рақбар:

А.Очилов



Керест: *[Signature]* *[Signature]*